

Ғазаб



13:40 / 15.12.2018 4895

Ғазаб рухий разолатлардан бўлиб, кишилар орасида пайдо бўлган дарғазаблик ҳолати улар яшаётган жамиятда катта ёмонликларга сабаб бўлади ва бу нарса дўстлик алоқаларининг бузилишига олиб келади. Инсон ғзаби келган вақтда мувозанатини йўқотиб қўяди, нима қилаётганини англай олмайдиган ваҳшийга айланади. Ўзи ғзаб ҳолатида аҳмоқона иш қилаётган бўлса ҳам, ўзича обрўсини ҳимоя қилаётган ҳурматли одам бўлиб кўринади. Ҳеч шубҳа йўқки, бундай одам ўзига зарар қилади. Чунки ғзаб тажовузкорликнинг бошланишидир. Ва аксинча, ҳалимлик эса кучли ақл ва юқори диднинг аломатидир. Шунингдек, ғазабланиш вақтида инсон танасида рўй берадиган ўзгаришлар унинг саломатлиги учун зарарли эканлигини ҳозирги замон таботатчилиги тасдиқлаган. Шунинг учун ҳам Ислом Аллоҳнинг розилигига сазовор бўладиган тақводорларни «ғзабини ютадиганлар», дея таърифлаган:

﴿۱۳۴﴾ الْمُحْسِنِينَ يُحِبُّ وَاللَّهُ النَّاسِ عَنِ وَالْعَافِينَ الْعَيْظَ وَالْكَتْمِينَ وَالصَّرَاءَ السَّرَّاءَ فِي يُنْفِقُونَ الَّذِينَ

«Улар энгилликда ҳам, қийинчиликда ҳам нафақа қиладиганлар, аччиғини ютадиганлар ва одамларни афв қиладиганлардир. Аллоҳ яхшилик қилувчиларни севадир» (Оли Имрон сураси, 134-оят).

Қуръон мусулмонларни ғазабни ичга ютишга буюриш билан кифояланиб қолмай, балки ғазабни қўзғатган айбдор шахснинг айбини кечиришга ҳам чақиради. Одатда, инсон ўзига душманлик қилинганда ёки обрўси тўкилганда ғазоби келади. Ғазоби келган пайтда нима қилиш кераклиги ҳақидаги Ислом таълимотлари олий даражадаги ахлоқий таълимотлар бўлиб, унга ҳар бир одам амал қилиши мумкин. Инсон ғазоби келган вақтда ҳукм чиқарса, инсофли ҳукм чиқара олмайди. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло ғазабланган вақтда кечириб юбориш мусулмонларнинг яхши сифатларидан бири эканини таъкидлаган:

﴿۳۷﴾ يَغْفِرُونَ لَهُمْ عَضِبُوا مَا وَإِذَا

«Ғазабланган вақтда кечириб юборадиганлар» (Шўро сураси, 37-оят).

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз иродасига эга бўлишни ва ғазаб келганда уни бошқара билишни қаҳрамонликнинг белгиларидан деб билганлар.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: «Курашда йиқитган паҳлавон эмас, балки ғазаб келган вақтда ўзини идора қила оладиган киши паҳлавондир».

Имом Бухорий ривоят қилган.

Ахлоқий тараққиётни кўзлаган ҳар бир киши ўз иродасини ўзига бўйсундиришга ҳаракат қилиши лозим.

“Иймон” китобидан